

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 14 апрель, № 72 (4987)

Чоршанба

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИНГ ЮКСАЛИШИ — ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Бугун дунёдаги аксарият мамлакатлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бошдан кечирётган бир пайтда, Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга ошириб келинаётган ислохотлар натижасида иқтисодиётнинг барча жабҳаларида ўсиш кузатилмоқда.

Жараён

Айтиш жоизки, жаҳондаги санокли мамлакатлар қаторида Ўзбекистоннинг ушбу глобал молиявий-иқтисодий таназзулдан деярли беталафот чиқишида Юртбошимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ўрни ва аҳамияти бекиёс.

Жумладан, мазкур дастур ижроси мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Сурхондарё вилоятида ҳам экспортбош маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини сақлаб қолишга хизмат қилибгина қолмай, уларнинг ҳажмини сезиларли даражада ошириш, sanoat корхоналарини ҳар томонлама ривожлантиришда ҳам муҳим омил бўлаётти. Биргина ўтган йилнинг ўзида воҳа иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига тўққизта корхонада экспортбош маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани бунинг яққол тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда).

ТАРАҚҚИЁТНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ»

**жаҳон ҳамжамиятининг
эътирофига сазовор бўлмоқда**

Айни пайтда халқро иқтисодий ва олимлар тараққиётининг «Ўзбек модели»ни ўрганишга, Ўзбекистон тажрибаси билан яқиндан танишишга интилаётганлари шундан далolat беради. 12 апрель куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Инқирозга қарши чоралар дастурининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзудаги халқро илмий-амалий конференция эса бунинг амалдаги ифодаси бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Муҳбиримиз анжуман иштирокчилари билан суҳбатлашиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

Сўз — КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хюнг-Бок НОХ, Корея тараққиёт банки бош менежери:

— Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсири ва ундан қўриладиган зарарнинг даражаси, энг аввало, молиявий институтлар, хусусан, банк тизимининг нечоғли барқарор ва ишончли эканига боғлиқдир. Негаки, глобал муаммо келиб чиқишига худди шу омил, яъни Америка Қўшма Штатларидаги ипотека кредитлаш тизимида руй берган танглик сабаб бўлган эди. Унинг таъсирини юмшатиш бўйича дунёнинг барча давлатлари ўзига хос чора-тадбирларни ишлаб чиқдилар. Юртингизда қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури, айтиш мумкинки, улар орасида энг юқори самара берганлиги билан аҳамиятлidir. Чунки дастурда, биринчи галда, мамлакат молиявий-иқтисодий, банк-кредит тизимининг барқарор ва узлуксиз ишлашини таъминлашга эътибор қўйилган.

Натижада охириги икки йил мобайнида банкларнинг умумий капиталини 2 баробарга қўпайтиришга эришилди. Бу Ўзбекистонда банк тизимининг мустаҳкам ҳимояси яратилганидан далolat беради.

Биз, чет эл молия институтлари вакиллари халқро конференция доирасида Ўзбекистоннинг банк-молия тизими барқарорлигини таъминлашдаги тажрибаси билан яқиндан танишишга муяссар бўлдик. Бу бошқа мамлакатларда иқтисодий бўҳроннинг олдини олишда, унинг таъсирини юмшатишда қўл келиши, шубҳасиз.

Дэйвид ХЕРМАН, Буюк Британиянинг «Worley Parsons» компаниясининг Европа ва Африка давлатларидаги нефть ва газ корхоналари бўйича директори:

— Глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатида кўплаб компания ва фирмалар таназзулга юз тутганига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Ана шундай йирик ишлаб чиқариш корхоналари бу ҳолатдан эсон-омон чиқиш ҳақида қайғураётган ҳозирги шароитда Ўзбекистонда нафақат ишлаб чиқаришда ўсиш кузатиляпти, балки янгидан-янги қувватлар фойдаланишга топширилмоқда. Ушбу соҳада тажриба орттирган мутахассис сифатида айтишим мумкинки, бу юртингизда инқирозни бартараф этишнинг энг самарали йўллари ишлаб чиқилганини кўрсатади.

(Давоми 2-бетда).

«БИЗ — ШУ ВАТАН ФАРЗАНДЛАРИМИЗ!»

Бухорода республика Байналмилал миллий-маданий маркази, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ҳамда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан «Биз — шу Ватан фарзандларимиз!» мавзуда анжуман ўтказилди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда миллатлараро дўстлик ва бағрикенглик гоёларини янада мустаҳкам қарор топтириш ҳақида сўз борди.

Анжуман қатнашчилари Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда турли миллат ҳамда элат вакиллари тинч ва аҳил яшашларини таъминлаш йўлида амалга ошириляётган кенг

қамровли ишлар хусусида атофлича тўхталдилар. Шунингдек, тадбир доирасида миллий-маданий марказлар вакиллари тасвирий ва халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси ташкил этилди. Турли миллатга мансуб истеъдодли ёш хонандаларнинг концерт дастури анжуманга ўзгача фойз киритди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



СУРАТДА: ишчилар Муслима Аъзамова ҳамда Дилноза Чоршанбиева.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Бугун мамлакатимизда барча соҳалар қатори таълим тизимига ҳам замонавий ахборот технологиялари кенг татбиқ этилмоқда. Бу эса юртимиз ёшларининг ҳар томонлама етуқ, малакали, билимдон ва замон талабларига мос кадрлар бўлиб камол топишига хизмат қилаяпти.

Ўзбекистон ва Германия Федератив Республикаси ҳамкорлигида 2003 — 2010 йиллар мобайнида мамлакатимизда амалга оширилган «Меҳнат бозори талабларига йўналтирилган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касбий таълим» лойиҳаси ҳам бу борадаги изланишларнинг ёрқин ифодасидир.

Айтиш жоизки, Германия техникавий ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Германия тараққиёт банки иштирокида амалга оширилган мазкур лойиҳага биноан, 32 та касб-хунар коллежида ахборот-коммуникация технологиялари асосида янги касбларнинг таълим стандарти, ўқув режалари дастури ишлаб чиқилиб, машғулотлар мазкур йўналишлар асосида йўлга қўйилди. 14 та касб-хунар коллежида ўқув-лаборатория хоналари ҳамда устахоналарга замонавий ускуна ва жи-

Тадбир

тилган ва интернет тизимида ишловчи «Ўзбекистон ўрта махсус касб-хунар таълими Мониторинг ва Баҳолаш тизими»нинг ишга туширилиши соҳа мутахассислари учун айни муддао бўлди.

Пойтахтимиздаги «Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида мазкур лойиҳа якунига бағишлаб ўтказилган тадбирда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Касб-хунар коллежлари жамоалари қатнашган ушбу АКТ фестивалида ўзбек ёшлари ахборот-коммуникация технологиялари жабҳасида ҳам ҳеч кимдан асло кам эмасликларини намойён этдилар.

Санджон МАХСУМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТЕЗКОР АХБОРОТ МАЙДОНИ

Бугун ҳаётимизни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиш қийин. Негаки, турли соҳалар ривожига илгор ва замонавий техника ҳамда технологияларнинг ўрни катта. Шу боис мамлакатимизда ҳам истиқлол йилларида бу соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кеча Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика соҳасида ахборот технологиялари бағишлаб ўтказилган медиаконференцияда ҳам ана шу масалалар хусусида сўз борди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, «Узинфоком» маркази кўмагида ташкил этилган анжуманда юртимиздаги босма ва электрон

ОАВ вакиллари, талабалар, ўқитувчи ва профессорлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

2010 йил — Баркамол авлод йили

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий университети ректори Ф. Мухамедов, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф. Абдухаликов, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги директори ўринбосари А. Хўжаев ва бошқалар мамлакатимизда интернет тизимининг тараққиғи этиши

лашга хисса қўшаётганини таъкидлашди. Муҳим, мазкур жараён фуқароларимизнинг эркин, тезкор ва холис ахборот оlishларини кафолатляпти.

Тадбирда таъкидланганидек, сўнги йилларда Ўзбекистонда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш борасида изчил ислохотлар амалга оши-

рилди. Айни пайтда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий асослари яратилди.

Бинобарин, ҳозирда кўплаб таълим муассасалари «ZyloNet» тармоғига уланган. Олий ва ўрта махсус ўқув даргоҳлари, мактаблар компьютер синфлари билан тўлиқ таъминланиб, интернетдан фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқда. Шунингдек, юртимизда интернет хизмати операторлари ва провайдерлари сони ҳам муттасил ошиб бораётти. Мазмулотларга қўра, ҳозирда интернет провайдерлари ва мобил телефон операторлари сони 920 дан зиёдани ташкил этади.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

НАМАНГАН. Спорт жиҳозлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Машҳим» масъулияти чекланган жамиятида янги қувватларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига тайёрланаётган маҳсулотлар тури 80 тага етди.

Маҳсулот тури кўпайди

Сифатга бўлган доимий эътибор натижасида корхонанинг импорт ўрнини босувчи маҳсулотларига талаб ортиб бормоқда. Хусусан, корхона жамоаси жорий йилнинг биринчи чорагида 1,1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 15 фоизлик ўсишга эришди.

Эътиборлиси, корхона импорт ўрнини босувчи маҳсулотлари билан мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

К. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АНДИЖОН шаҳрида Экоҳаракат фаоллари ташаббуси билан экологик боғ барпо этилди. Бунинг учун Андижон кўчатчилик хўжалиғи худудидан уч гектар майдон ажратилди.

Экологик боғ

Атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш ҳамда ёш авлодни табиатга меҳр-муҳаббатли қилиб вояга етказиш мақсадида ташкил этилган боғга икки минг тупдан зиёд япон софораси, каштан каби манзарали ва мевали даракт кўчатлари ўтказилди.

Вилоятдаги бир қатор олий ўқув юртлири талабалари ушбу боғдаги кўчатлар парварлишини ўз зиммаларига олдилар.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

САМАРҚАНД. Каттақўрғон шаҳар табиёт бирлашмаси қошидаги тез тиббий ёрдам бўлими мукамал таъмирдан чиқарилган янги бинода ўз фаолиятини бошлади.

Хизмат сифати яхшиланди

177 миллион сўмлик маблағ сарфланган ушбу мажмуада аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган. Хусусан, стоматология, реанимация ҳамда кардиология хоналари энг сўнги русумдаги даволаш ускуналари билан жиҳозланди. Бу каби қўлайликларнинг яратилиши туман аҳолига тез ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имкониятини янада кенгайтди.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БАНК ТИЗИМИНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

2009 йилда тижорат банкларининг Низом жамғармаларини ошириш учун давлат маблағлари ҳисобидан қўшимча равишда

500 миллиард сўм ажратилди.

Мамлакатимизда банк-молия тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлашга қаратилган бундай чора-тадбирлар изчил амалга ошириляётгани туфайли жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида унинг мустаҳкам ҳимояси яратилди. Натижада банкларнинг капиталлашув даражаси ортиб, иқтисодиёт тармоқларини моддий қўллаб-қувватладиган молиявий институтларга айланди.



ТАРАҚҚИЁТНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ»

жаҳон ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Магди ЗАЪБАЛ, Миср Миллий тадқиқотлар маркази профессори: — Ўзбекистон Ҳамдўстлик давлатлари орасида ривожланиш кўрсаткичлари бўйича анча илгарилар кетганининг боиси шуки, бу ерда мустақиллик йилларида амалга оширилган ишчи ислохотлар қисқа вақт ичида ўзининг юқори самарасини берди. Айниқса, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг бандлигини таъминлашга энг муҳим масала сифатида алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовордир.

Таъкидлаш керакки, инқироз кўпга давлатларда ишсизлик муаммосини кучайтириб юборди. Ўзбекистонда эса, 2009 йилда 940 мингдан зиёд янги иш жойлари очилди. Бу Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Иншооғза қарши чоралар дастури доирасидаги тадбирларнинг бекиёс

натijasидир. Шу маънода, ушбу тажрибани ўрганиш ва амалда қўллаш ҳар томонлама фойдали, деб ҳисоблайман.

Аҳмад Рашид МАЛИК, Исломобод Сиёсий тадқиқотлар институти эксперти, иқтисодчи (Покистон):

— Дунёнинг кўпга мамлакатларидан етук олимлар, тахлили ва нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этаётган бугунги анжуман иқтисодий барқарорликка эришишнинг энг тўғри йўлини танлаган Ўзбекистон тажрибаси мисолида муаммони бартараф этиш бўйича тақлидларни ўрганиш, иқтисоддаги режаларни муҳокама қилиш учун қулай имкониятдир. Чунки ислохотлар самардорлиги дунё ҳамжамиятида қабул қилинаётган тадбирларнинг бири-бирига нечоғли уйғунлигига боғлиқ. Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида

уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» асарини ўқиб, шундай хулосага келганман.

Бугунги конференцияда глобал инқироз шароитида Ўзбекистонда қўлга киритилган муваффақиятлар бошқа иштирокчилар қаторида мени ҳам хайратга солди. Буларнинг барчаси юртингизда узокни кўзлаб, бошқичма-бошқич амалга оширилаётган оқилона ислохотлар тўғрисида эканлиги бошқа ҳамкасбларим томонидан ҳам эътироф этилди.

Мустафо Наҳот ЖУШКУЛ, Гази университети профессори, иқтисод фанлари доктори (Туркия):

— Барчага маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан санокли давлатлар талафотсиз қиқшиқ муваффақ бўлди. Улар орасида, жумладан, Ўзбекистон ҳам бор. Дунё иқтисодчилари буни ҳар томонлама мукаммал ишлаб чиқилган дастурлар самараси сифатида баҳолашмоқда.

Чиндан ҳам, мамлакатингиз ишончли ҳамкор эканлигини дунё ҳамжамияти олдида яна бир бор намоён қилди. Хорижий инвесторларнинг Ўзбекистонга сармоа киритиш ҳажми йил сайин ошиб бораётганининг боиси шунда. Конференцияда айтилганидек, ўтган йили жалб этилган хориж инвестицияси ҳажми 68 фоизга ошган. Оқиб, бундай юқори ўсишга эришиш осон эмас. Унинг замирида мамлакатингизда чет эллик ишбилармонлар учун муносиб шарт-шароитлар, қулай инвестициявий муҳит яратилгани мумкин, албатта.

Анжуманда ўзбекистонлик мутахассислар томонидан тақдим этилган инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари ҳеч қандай бефарқ қолдирмади. Чунки унда иқтисодиётнинг барча тармоқлари қамраб олинган бўлиб, бу тармоқларни юксалтириш учун муайян чора-тадбирлар мукаммал ишлаб чиқилган. Шу маънода, мамлакатингиз бундан кейин ҳам тараққий этиши турган гап.

«Халқ сўзи» мухбири Саид РАҲМОНОВ ёзиб олди.

ҲОВЛИДАГИ ҲАЗИНА

Бугун қишлоқдаги ҳар бир хонадон ўз томорқасига эга. Уларда етиштирилаётган сархил мевалар, сабзавот ва полдиз маҳсулотлари аҳоли дастурхонини безаши билан бирга, хонадон эгалари учун қўшимча даромад манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.



Тўғри-да, рўзгор учун зарур бўлган картошка сабзи, помидор бодричдан тортиб, олма аноргача ўз томорқангдан чиққанига нима етсин?! Бу билан, аввало, бир рўзгорнинг камқўсти бут бўлади, йил бўйи маҳсулоту неъматларни бозордан харид қилишга эҳтиёж қолмайди. Қолаверса, томорқаси орқали ўзидан ортагина эл билан баҳам қўриши, бозорга чиқариб, қўшимча даромад орттириши айтмасми?! Бу, бир қарашда, оддий юмуш. Бироқ иш унути мекнатда, ҳаракатда, деб бежиз айтилмаган. Бундай дейишимизга сабаб, ана шундай имкониятга эга бўла туриб, ернинг умрини беҳуда ўтказётган, оқибатда рўзгори учун маҳсулот харид қилиш зарурати билан қунда-қунора бозорга югурайдиганлар йўқ дейсизми?!

Исқоқнамаизни ўтин ва кўмир билан иситамиз, — дейди соҳибкор. — Фарзандларим, келинларим ёнимда. Иштиёк билан мекнат қиламиз. Натига ҳам шунга яраша. Лимонзордан йилга 10 миллион сўмдан зиёд соф даромад олаёلمиз. Қувонарлиси, маҳалладошларимизнинг барчаси миришкор, мекнатқаш. Худудида буш турган бирор томорқа йўқ.

Шу қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Қайирма

Иزلаниш

маҳалласида яшовчи Намозбой Сариев ҳам деҳқончиликнинг ҳадисини олганлардан.

— Томорқамга, асосан, картошка экаман, — дейди Намозбой ака. — Тажрибада санаганман, «Санта» навли картошка жуда серҳосил бўлади. Икки ҳужайра ҳисобидан 50 сотих томорқамиз бор. Унга шу навли картошка, ҳосилдан бўшган майдонга эса маккажўхори экиб, йилга ўртача 10 миллион сўм даромад олаёلمиз. Ишлаганга имкон кўп, деганлари шу-да. Ахир томорқа беминнат даромад манбаидир. Яқинда ўғлимга атаб тўрт хонали уй солдик. Фарзандларимиз учун тўю томошалар қилдик, элга дастурхон ёздик. Буларнинг бари томорқамиз саховати, мекнатимиз самарасидир.

«Соҳибкор» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдусамат Исоқовнинг таъкидлашича, қишлоқ ҳудудида 12 мингдан зиёд аҳоли истиқомат

қилади. Уларнинг ихтиёрида 302 гектардан зиёд томорқа ери мавжуд. Аҳоли кўчатчилик, богдорчилик, полдиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланади. Бу эса эл дастурхони тўқинлиги, турмуши фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаяпти.

— Вилоятимиздаги томорқа ерлари қарийб 23 минг гектарни ташкил этади, — дейди Сирдарё вилояти мекнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Мурод Мухаммадиев. — Яқинда махсус ишчи гуруҳи томонидан аҳолининг ушбу томорқа ерларидан қандай фойдаланилаётгани ўрганиб чиқилди. Маълум бўлишича, мавжуд томорқа ерларининг 15 минг гектаридан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирилмоқда. 5 минг гектардан зиёд майдонга эса иморатлар қурилган. Ўз томорқасида ишлаб, даромад орттирадиган 2 мингга яқин фуқарога мекнат дафтарчалари очилди. Бу аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг ёрқин самарасидир.

Бугун иштиёқ бўлса, иш ҳам, имкон ҳам бисёр юрда, даврда яшаймиз. Ўз мекнатимизнинг самарасини, мевасини тўтиб, закланишимиз, роҳатланишимизнинг боиси ҳам шу, аслида.

Шомурод ХОЛМУРДОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Қоҳрамон ҚУНОЗОВ олган сурат.

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИНГ ЮКСАЛИШИ — ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



СУРАТДА: оператор Зебо Алиярова.

Термиз шаҳридаги «Сурхон Термез Силк» ҳам ана шундай илгор корхоналардан бири. Лойиҳа қиймати

1,5 миллион АҚШ долларига тенг, йиллик қуввати 400 тонна пилла хом ашёсини қайта ишлашга мўлжалланган мазкур корхонада айни пайтда 450 нафар ишчи

мекнат қилаяпти. Эътиборлиси, улар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар Туркия, БАА ва Эрон сингари давлатларга экспорт қилинаётир.

Шу кунларда корхона мутахассислари яна бир йирик лойиҳани амалга ошириш ҳаракатидалар. Яъни вилоят марказида ташкил этилган «Аму Қашқар Сурхон» қўшма корхонасига 310 минг АҚШ доллари миқдоридagi хорижий сармоа жалб этилиши кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, келгусида «Сурхон Термез Силк» компанияси қошида ипақдан гилам тўқиш ва матоларни тикишга ихтисослашган корхона ташкил этилиши режалаштирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, вилоятда экспорт бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар сифини кенгайтириш билан бирга, вонга-иқтисодийнинг янада юксалтиришга хизмат қилади.

Гулбаҳор ТАНГИРОВА, Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Анжуманда таъкидланганидек, бугун мамлакатимизда ахборот тарқатишининг тезкор усули бўлиши интернет журналистикасини ривожлантириш бўйича ҳам самарали ишлар олиб боришмоқда. Бунинг исботини юртимиздаги юздан зиёд оммавий ахборот воситаси интернетга ўз веб-сайтига эга экани, олий ўқув юртида интернет журналистикаси бўйи-

Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони эса қарийб үч миллион нафарга етди.

ТЕЗКОР АХБОРОТ МАЙДОНИ

ча махсус фанлар ўқитилаётгани, шу йўналишда ижод қилаётган журналистлар сони тобора кўпайиб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Оммавий ахборот воситалари таҳриратларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш, интернет тизимидан кенг ва оқилона фойдаланиш учун имкониятлар яратиб бораётгани эзгу саъй-ҳаракатлар бунинг ёрқин далилидир. Айни пайтда журналистларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг касб малакаси ҳамда маҳоратини ошириш, янгидан-янги ижодий парвозлар сари даъват этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Табиийки, бундай эътибор ва ғамхўрлик журналистлардан юксак масъулият, давр билан ҳамнафаслиқни талаб этади.

Аънаваный тарзда ўтказилиши режалаштирилган мазкур конференция ҳам бу борада амалга оширилаётган ижодий саъй-ҳаракатларнинг яна бир тасдиғидир. Шу нуқтаи назардан журналист кадрларни тайёрлашда мамлакатимизда етакчи ўрин тутувчи Ўзбекистон Миллий университетида бу ишларни тақомиллаштириш, интернет нашрларнинг жадал ривожланиётганини инобатга олган ҳолда, бўлгуси мутахассисларни соҳага оид янги адабиётлар билан таништиришни янада самарали ташкил этишга келишиб олинди.

Тадбир доирасида интернет соҳасида танловлар ташкил этилиб, голийбар сертификат ва совғалар билан тақдирланди.

Омонулло ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча жабҳаларда беқиёс ютуқларга эришилди. Амалга оширилаётган ислохотларни янада жадаллаштириш, катта саъй-ҳаракатлар эвазига қўлга киритилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш, юрт равнақига хизмат қилаётган эзгу ишлар қўламини кенгайтиришда виждонли, фидойи ва жонқур ватандошларимизнинг ҳиссаси катта.

Лекин, афсуски, юртдошларимиз орасида бу эзгу ўй-хаёллардан мусоув, бадбин ният билан нопок ва ноқонуний ишларга қўл ураётган нафс бандалари ҳамон учраб турибди. Шундай кимсалар тоифасига кирувчи Меҳрубон Солиев, Фарҳод Умаров, Мақсуд Илҳомжанов, Ровшан Миробоев, Насрулло Меликулов, Кенжавий Нигмаджанов, Файрат Сейлбеков ва Доноҳон Аҳманова ҳам тўғри йўللardan адашмай, мўмай бойлик орттириш васвасасига тушмаганларида, ўзларига ишониб топширилган вазифаларни ҳалол, масъулият билан бажарганларида, бугун эл-юрт олдида бошлари ҳам бўлмасмиди?..

УЗИЛГАН ЗАНЖИР

Юқорида номлари қайд этилганларнинг аксарияти мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий фаолиятини мувофиқлаштириш, юртимизга четдан ноқонуний моллар кириб келишининг олдини олишга масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг идораларида юқори лавозимларда хизмат қилиб келишган. Шунинг учун ҳам улар содир этган жиноятлар занжир каби бири-бирига уланиб кетган. Яъни улар эгаллаб турган мансаб ваколатларидан фойдаланиб, ноқонуний ишларни уюшган гуруҳ сифатида амалга оширганлар.

Маълумки, республикамизга импорт қилинаётган товар-моддий бойликларига божхона қийматининг тўғри белгиланиши, божхона тўловларининг тўлиқ ва ўз вақтида ундирилиши мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти юксалишига, аҳоли даромад манбаларининг ошишига хизмат қилади.

Лекин ушбу гуруҳ аъзолари бўлган божхона посбонлари четдан импорт маҳсулотлари олувчи тадбиркорларга божхона тўловларини тўламаслиқка имкон берувчи ноқонуний йўллари кўрсатиб берганлар. Албатта, бу ноқўра ишлар шахсий манфаатдорлик, энг раzil иллат — порахўрлик эвазига амалга оширилган. Бошқача айтганда, жиний гуруҳ аъзолари божхона расмийлаштирувни амалга оширишга доир Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва низоомларини, Республика Давлат божхона қўмитаси (ДБК) йўриқномаларининг тегишли бандларини қасдан қўпол равишда бузиб, ўз хизмат вазифасидан шахсий манфаат йўлида фойдаланиб, солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, пора олиш ҳамда мансаб сохтакорлиги жинийларини содир этганлар.

ган жамият раҳбарлари ва вакиллари берган поралар эвазига контейнер ҳамда вагонлардаги импорт қилинган маҳсулотларнинг номини бошқа ном билан, миқдорини ва қийматини камайтириб кўрсатганликлари ва ўша тадбиркорларга келган импорт товарларини божхона назоратидан ўтказмасдан рухсат берганликлари натижасида катта миқдордаги божхона тўловлари ундирилмай келинган. Оқибатда давлат манфаатларига жуда катта миқдорда зарар етказилган.

Улар «Чуқурсой» ТИФ божхона постида 2008 йил давомида «Dream Business» манзилига импорт қилинган товар-моддий бойликларининг 87 та, «Smart Servis» МЧЖ манзилига импорт қилинган товар-моддий бойликларининг 146 та, «Porloq Taraqiyot» манзилига импорт қилинган товар-моддий бойликларининг 73 та, «Omega Imkon» МЧЖ манзилига импорт қилинган товар-моддий бойликларининг 14 та божхона юк декларациясини божхона расмийлаштирувдан ноқонуний ўтказишган. Ушбу импорт қилинган товарларнинг ТИФ ТН ҳод рақамларини, келиб чиқиб мамлакатини, божхона қийматини қасдан нотўғри қўлаб, контейнер қийматини қўймай, «Эркин муоамала» чикариш божхона режимида расмийлаштирилганликлари натижасида салкам 347 миллион сўм божхона тўловлари ундирилмай қолган.

Бу — уларнинг жиний фаолиятидан биргина мисол, ҳоло. Божхона инспектори М. Солиев ҳар бир божхона юк декларациясини нотўғри расмийлаштиргани учун 200 дан 300 АҚШ долларигача «хизмат ҳақи» ва биргина ушбу «операция» учун 6300 АҚШ долларини пора сифатида олган. Шунингдек, ушбу жиний гуруҳ томонидан МЧЖлар манзилига юборилган товар-моддий бойликларининг божхона тўловларини камайтириш мақсадида, улар нотўғри таснифланган. Албатта, бу ишлар ҳам моддий манфаатдорлик эвазига амалга ошириб келинган.

Масалан, «Чуқурсой» Ташқи иқтисодий фаолият постида улар томонидан, биргина «Авангард оптимал» МЧЖ манзилига импорт қилинган электр товарларини божхона расмийлаштирувдан ўтказиш

Жиноятга жазо муқаррар

тирувдан юзак равишда ўтказганилиги ва бунинг учун тегишли чора қўрмагани эвазига 2008 йил давомида жамий 20 000 АҚШ долларини пора тариқасида олган. «Қовун қовундан ранг олар», деган нақл бежиз айтилмаган экан. Тожикент шаҳар божхона бошқармасининг контрабандага қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили бўлиб ишлаган Фарҳод Умаров ҳам ушбу ҳамкасбларидан асло қолишмаслиққа ҳаракат олган.

Ф. Умаров 2008 йилнинг 1 июлидан 11 июлига қадар «Чуқурсой» ТИФ божхона постига товарларнинг божхона кўригидан тўлиқ ўтказилишини таъминлаш мақсадида тузилган махсус гуруҳга раҳбар сифатида сафарбар қилинган. У хизмат таъсирини давомида бу постда давлат манфаатларига зарар етказувчи ноқонуний, қинғир ишлар бўлаётганини аниқлайди. Лекин нафис ва шахсий манфаатдорлиги устун келиб, хизмат бурчига содиқ қолиш ва жиноятчиларни фош қилиш ўрнига, ўзи ҳам уларга шерик бўлишни афзал қўради.

ри ва постларини инспекциядан ўтказиш бошқармасининг инспекция бўлими бош инспектори лавозимида ишлаган божхона хизмати подполковниги Файрат Сейлбеков ҳам шу занжирнинг бир ҳалқаси бўлиб чиқди. Маълум бўлишича, «Чуқурсой» ТИФ божхона постида фаолият юритаётган жиний гуруҳ Ф. Сейлбековнинг ҳам томоғини мойлаб турган. У М. Илҳомжановдан унинг салбий хатти-ҳаракатларини ДБКнинг Кадрлар Бош бошқармаси раҳбариятига айтмаслик эвазига 2007 йилнинг июнь ойидан 2008 йилнинг октябрь ойига қадар салкам 16 миллион сўмлик пул ва бошқа маҳсулотларни пора сифатида олиб келган. Оқибатда ушбу божхона постидаги талон-торождиклар яна-

Жиноятга жазо муқаррар

да авж олган. М. Солиев ва М. Илҳомжанов ўзларининг жиний кирдикорлари ошқор бўлмаслиги ҳамда ҳеч қим уларнинг фаолиятини назорат қилмаслиги учун ўзгаларни ҳам порахўрлик ғирдобига тортганлар. Ушбу жиний гуруҳ берган харом пуллар эвазига хизмат бурчини ва вилдонини сотганлардан яна бири Тожикент шаҳар божхона бошқармасининг кадрлар бўлими бошлиғи Кенжавий Нигмаджанов эди. К. Нигмаджанов ҳам хизмат мавқеидан фойдаланиб, пора олиш орқали уларнинг кирдикорларидан кўз юмиб келган.

Инсон ўзгаларни тўғри йўлга, ҳалол ишлашга даъват этиши учун адолат ва ҳалолликни, аввало, ўзид мумкинлаштириши керак. Агар бошқанинг ўзи тамағир бўлса, унинг қўл остида ишловчи айрим нопок кимсаларнинг ошиғи олчи, деваяринг. Ўзбекистон Республикаси ДБК Тожикент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари орасида порахўрлик, хизмат вазифасини суистемствол қилиш, ноқонуний ишлар авж олганининг илдинини бошқармада назорат усуйиб кетганлиги, айрим ходимларга «тамағирлик касаллиги» теккани билан изохлаш мумкин. Тожикент шаҳар, «Файзобод» бож-

ган бири кимсани, яъни «қўзни қўр, қўлоқни қар» ҳизматига эвазига ушбу МЧЖлар вакилининг М. Солиев орқали бериб юборган 3000 АҚШ долларини пора сифатида олади. Мақоламизнинг бошида таъкидлаганамиздек, ушбу жиний гуруҳни бирлаштириб турган занжир анча узун экан. Ўзбекистон Республикаси ДБК Кадрлар бош бошқармаси божхона комплексла-

хона пости бошлиғи лавозимидда ишлаб келган Насрулло Меликулов ҳам катта бир постнинг бошлиғи эди. Қўл остида ишловчи сўзини икки қилишга журъат этолмаслигини яхши биларди. Н. Меликулов ўз хизмат хонасига ушбу постда инспектор бўлиб ишловчи М. Ҳақимбоев ва М. Миржалоловини чақириб, улардан ҳар ойда пул бериб туришларини талаб қилади. Акс ҳолда

ушбу жиний гуруҳнинг «теғирмонига сув қуйиб турган» Ровшан Миробоев ҳам айёрлик бобида устомон бўлиб чиқди. У бирон-бир МЧЖ манзилига импорт қилинаётган товар-моддий бойликларини божхона назоратидан ўтказмасдан, тезликда расмийлаштириб бериш учун божхона назоратлари билан жиний тил бириктиради. Чунки атиги бир вагон юкни божхона назоратисиз, ноқонуний ўтказса ҳам унга миллионлаб фойда қолади. У эса пора эвазига ўнлаб вагон ва контейнерларни шу йўл билан ўтказишга эриша олган.

Биргина мисол: Ўзбекистон Республикаси ДБКнинг текширув хулосасига биноан, «Smart Servis», «Porloq Taraqiyot», «Omega Imkon Plus», «Maksi Grand Optimal» ва «Dream Business» МЧЖлар манзилига 18 та контейнер ҳамда 19 та вагонда импорт қилинган товарларнинг божхона тўловлари йўлқоқ ҳужжатлари асосида ҳисобланганидан, жами 222,99 миллион сўмини, товарлар божхона кўригидан ўтказилган-

нидан кейин эса ундирилиши лозим бўлган божхона тўловлари 2 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этиши лозим эди. Божхона тўловлари орасидаги фарқ 1 миллиард сўмдан ортиқ бўлганлиги оқибатида давлат манфаатларига жуда катта миқдорда зарар етказилган. Р. Миробоев эса айнан шу фирмаларнинг вакили сифатида фаолият юритган. Аслида, ушбу фирмалар унинг ўзига тегишли бўлиб, МЧЖлар директори лавозимидда ишлайдиган шахслар юзак равишда фаолият юритиб келишган. Жумладан, «Dream Business» сохта директори лавозимига расмийлаштирилган Иззатилло Холбоев ўз кўрсатмасида шундай дейди: «Мен Сергей автомобиль бозорига Р. Миробоев билан танишиб қолдим. У менга МЧЖ очмоқчилигини ва унга мени директор лавозимига тайинлашни, ойлик маошим 200 минг сўм бўлишини айтиди. Сўнг унга паспортимни бердим. МЧЖ меннинг номидан очилган бўлса-да, барча саъй-ҳаракатлар Р. Миробоев томонидан амалга оширилган. Мен ушбу МЧЖ қандай фаолият билан шуғулланишдан ҳам, унинг манзилига қандай импорт моллар келганлигидан ҳам мутлақо бебаҳбарман. Бирор бир ҳужжатга имзо чеккан эмасман».

Бошқа фирмаларнинг директорлари ҳам «номигагина» бўлганлиги учун божхона расмийлаштирувдаги барча ҳужжатларга Р. Миробоев қалбаки имзолар қўйиб келган. Божхона қонунларини бузишга ҳаракат қилган яна бир шахс Доноҳон Аҳмановадир. У «Дилбахт Сервис» МЧЖда божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис лавозимидда ишлаган. Доноҳон ҳам «Чуқурсой» ТИФ божхона пости инспектори М. Солиев ва бошқалар билан жиний тил бириктириб, нотўғри божхона расмийлаштирувни ўтказиш жараёнида қатнашган. Оқибатда импорт қилинган товарлардан кўп миллион сўмлик божхона тўловлари ундирилмай қолган.

Ушбу жиноятларнинг содир бўлишига, биринчи навбатда, нафс қулига айланган божхона назоратлари ва уларнинг бошлиқлари айбдор. Агар улар ўз хизмат бурчларига содиқ бўлганларида, виждонини пулга алишмаганларида эди, ҳеч қим қинғир ишларга қўл уришга ботинолмаган бўларди. Қолаверса, ушбу жиний гуруҳ аъзоларининг барчаси олий маълумотли, оқ-қорани таниган, ҳаётнинг паст-баландини биладиган, масъул лавозимларда ишлаган инсонлар. Энг асосийси, уларга мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятида муҳим ўрин тутувчи бўғинни назорат қилиш вазифаси ишониб топширилган эди. Таассуфки, улар Ватан олдидаги фуқаролик бурчларини, қолаверса, давлатимиз томонидан билдирилган ишонч ва ваколатни суистемствол қилиб, эл-юрт олдида инсонга қолдирлар. Алал-оқибат уларнинг қинғир қилмишлари ошқор бўлди. Ҳар қандай жиний учун эса жазо муқаррар. Бу жиноятчиларга ҳам суд ҳукми билан қилмишларига яраша қонун доирасида тегишли жазолар белгиланади.

Абдураззоқ ҚАРИМОВ.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Экологик тоза қутилар

Спорт кийимлари ишлаб чиқарувчи "Puma" корхонаси кейинги йилда ўз маҳсулотларини экологик тоза воситаларда қадоклашни маълум қилди.

Режага кўра, янги маҳсулот дастлаб спорт пойабзалларида қўлланилади. Айтилишича, бу билан корхона йилига 8,5 минг тонна қўғозни тежаб қолар экан. Ҳозирча мазкур қутилар қандай хом ашёдан ясалгани сир тутилмоқда.

Аэропорт яқинида кўнгилсизлик

Индонезиянинг Маноквари шаҳридаги "Рендани" аэропорти яқинида бахтсиз ҳодиса рўй берди.

Аэропортга кўниш вақтида "Boeing-737" русумли самолёт шу атрофдаги дарёга қулаб тушган. Гувохларнинг айтишича, лайнер сувга келиб урилиши натижасида бир неча бўлакка бўлиниб кетган. Оқибатда 20 нафар йўловчи тан жароҳати олган. Фалокат юз берган вақтда унинг бортида 100 киши



бўлган. Кўнгилсизлик ноқулай об-ҳаво шароити туфайли юзага келгани айтилмоқда.

Пиёдалар учун қулай шаҳар

Нью-Йорк (АҚШ) пиёдалар ҳаракати учун энг қулай шаҳар ҳисобланар экан.

"TreeHugger" тадқиқот компанияси томонидан олиб борилган кузатишлар яқинида шундай хулосага келинган. Келтирилишича, олдин у энг кўп автомобиль ҳаракат қилаётган шаҳар саналган. Бир вақтлар Нью-Йорк "автомобиллар салтанати", деган ном ҳам олганди. Аммо маъмуриятнинг пиёдалар учун қулайлик яратиш йўлидаги кўп йиллик саъй-ҳаракатлари туфайли шаҳар бугунги кунга келиб ана шундай эътирофга лойиқ қўрилган.

Бразилия бир поғона кўтарилади

Германия автомобиль бозори жорий йил эгаллаб турган мавқеидан бир поғона пастилаши мумкин.



Бу ҳақда "Bloomberg" агентлиги "J.D. Power & Associates" ва "IHS Global Insight" компаниялари тадқиқотчилари хулосаларига таяниб маълумот тарқатди. Ҳисоб-китобларга қараганда, ўтган йили Бразилияда 3,1 миллион

дона янги машина сотилган, Германияда эса бу борадаги кўрсаткич 4 миллионни ташкил этган эди. Шу тариқа энг кўп машина сотилиши борасида жаҳон бўйича Германия тўртинчи, Бразилия эса бешинчи поғонани банд этган. Аммо экспертлар жорий йилда Бразилияда янги машиналар сотуви 3,4 миллион донага кўпайишни билдиришмоқда. Германияда эса кўпи билан уч миллион донага яқин машина сотилиши кутилмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз темир йўл тизимини такомиллаштириш борасида кўлами ва аҳамияти жиҳатидан улкан ишлар амалга оширилмоқда. Худудларни бири-бирига боғловчи янги линиялар фойдаланишга топширилиб, иқтисодиётимизни ривожлантириш, пировардида аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришнинг ўзига хос муҳим асослари яратилаётди. Бундай кенг ҳажмдаги бунёдкорлик ишларида "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТКга қарашли "Ўзтемирйўлқурилишмонтаж" унитар корхонасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Шу ўринда бир жиҳатдан Инкирозга қарши чоралар дастури бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар бугун кутилган натижаларни бермоқда. Мазкур дастурнинг

Темир йўлни мамлакат иқтисодиётининг қон томирига менгзашади. Мазкур соҳада амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларида эса,

қурилиш-монтаж ишларини олиб бормоқда. Ўтган йили ушбу бўлинма томонидан қарийб 8 миллион куб метр тупроқ иши бажарилди, 200 дан ортик сунъий иншоотлар қурилиб, фойдаланишга



КўЛАМЛИ ИШЛАР САЛМОҒИ ВА БУНЁДКОРЛИК ИФОДАСИ

устувор йўналишларидан бири транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфраструктура объектларини барпо этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Жумладан, биргина темир йўл соҳасида олиб борилаётган ишларга тўхталсак, "Асп мўъжизаси" дея эътироф этилган "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўли линиясида ўтган вақт мобайнида Япония капиталли иштирокида 5 та кўприк ҳамда темир йўлчи-ларнинг оилалари учун замонавий тураржой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. "Навоий — Учқудуқ — Султон Увайтоғ — Нукус" темир йўли линиясининг 6 та янги темир йўл бекатлари ишга туширилди.

юқорида айтиб ўтганимиздек, "Ўзтемирйўлқурилишмонтаж" унитар корхонаси фаол иштирок этмоқда.

"Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўли қурилиши муносабати

таълим муассасасида соҳа учун малакали мутахассислар тайёрланаётди. Жамоа амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари кўлами тобора кенгаймоқда. Хусусан, "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўлининг бекатларида 6 та хизмат-техник иншоотлар қурилиши якунланди. Темир йўлчиларнинг яшашлари учун 4 та янги тураржой қуриб битказилди. Жорий йилда эса Тошкентда ва Самарқанд вилоятларида 2 тадан, Наманган шаҳрида 2 та замонавий, кўп қаватли уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. "Баркамол авлод йили" Давлат дастуридаги вазифалардан келиб чиқиб, пойтахтимизда "Темир йўлчи" спорт мажмуасини барпо этиш кўзда тутилган. Бу ишларни амалга ошириш жадал суръатда олиб боришмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизни улкан бунёдкорлик майдонига қийсаш мумкин, — дейди корхона бош директори ўринбосари С. Исахонов. — Бу ҳаётда бизнинг ҳам иштирокимиз борлигидан беҳад хурсандмиз. Айниқса, янги йўлларни қуришда ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан фахрланамиз. "Тошгу-

зар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўли асрий озулларнинг ушалоғи бўлди. Мамлакат бўйлаб яхлит темир йўл тизими шакллантирилди. Шунингдек, бугун қурувчиларимиз бошқа мамлакатларда ҳам қурилиш ишларини амалга ошираётгани уларнинг касбий маҳорати тобора юксалиб бораётганига яққол далилдир.

— Жамоамизда қишлоқларда яшаб, меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилаяпти, — дейди корхона касаба уюшма кўмитаси раиси Бурҳон Самиев. — Йил бошидан буён жами 250 нафар ходимга 9 миллион 848 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Уларнинг меҳнат таътилида санаторий-профилакторийларда дам олишларига йўлланмалар берилди. Байрамларда кекса темир йўлчиларнинг, кам таъминланган оилаларнинг ҳолидан хабар олиш аниқланаётган. Қисқаси, мамлакатдаги улкан бунёдкорлик ишларига қамарбаста бўлаётган темир йўлчилар доимо эътиборда.

Мухтасар қилиб айтганда, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимизни обод қилиш, одамларимизга ҳеч кимдан кам бўлмаган турмуш шароитини яратиб беришдек эзгу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатларга темир йўлчилар ҳам муносиб ҳисса қўшиш учун бор куч ва имкониятларини ишга солмоқдалар.


Ҳанифа ШАМШИЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Интилиш

билан ташкил этилган махсус механизацияланган йўл станцияси, асосан, тупроқ ишлари ва сунъий иншоотлар қурилиши амалга оширади. 300 дан ортик замонавий махсус қурилиш техникалари, 1500 дан зиёд малакали мутахассисларга эга бўлган жамоа 12 та қурилиш участкаси орқали республикамизнинг барча вилоятларида

топширилди. Айни пайтда "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўлининг оралиқ станцияларида вертикал текислаш ишлари ва қўшимча йўллар учун ер майдонлари тайёрлаш, "Янгиер — Жиззах" электрлаштирилган икки қаторли темир йўл қурилиши, "Гулистон — Оҳангарон" автомобиль йўлининг 68-116 километр қисмини, шунингдек, "Гузур — Чим — Қўдала" автомобиль йўлининг 0-18, 38-73 километр қисмини қайта қуриш ишлари олиб боришмоқда. Шунингдек, Сурхондарё вилоятининг Денов туманида Олмалик кон-металлургия комбинатининг бюортмаси билан янги-дан таъмирланаётган 28 километрлик автомобиль йўллари қуришга етказилиши арафасида.

Унитар корхонанинг Фуқаро-санот қурилиш-монтаж поезди бўлинмаси томонидан ҳам ибратли ишлар бажарилмоқда. Минг нафардан зиёд киши меҳнат қилаётган ушбу жамоа Тошкент темир йўл коллежи биносини қуриб фойдаланишга топширганди. Эндиликда замонавий, барча шароитларга эга мазкур



ИШОНЧЛИ ХИЗМАТ — БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, молия муассасаларини такомиллаштириш борасида кўрилатган чора-тадбирлар натижасида бугун юртимиз банклари томонидан муайян муваффақиятлар қўлга киритилмоқда.

Бундай ижобий ўзгаришларга жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида эришилаётгани, айниқса, қувонарлиқдир. Бу бежиз эмас, албатта. Президентимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобида белгилаб берилган йўл-йўриқлар ҳамда Инкирозга қарши чоралар дастури доирасидаги аниқ вазифалар эса иқтисодиётимизнинг мустаҳкамла-нишида, халқимиз турмуш даражасининг фаровонлашувида, умуман, республикамизнинг халқаро майдондаги салоҳияти янада юксалишида муҳим омил бўлмоқда.

Эътиборлиси, эндиликда Ўзбекистон банк тизими қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган барқарор тажриба майдонига айландики, бу дунё мамлакатлари мутахассислари томонидан ўрганилиб, амалиётга жорий этилаётди.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган "Ҳамкорбанк" очик акциядорлик тижорат банки акциядорларининг умумий йиғилишида шулар ҳусусида сўз юритилди. Бугунги кунда "Ҳамкорбанк" ўзининг 26 та филиали ва 118 та минибанки орқали аҳоли ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларга қирқдан

зиёд банк хизматларини тақдим этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда яратилган шарт-шароитлар ҳамда имкониятлар боис мазкур банк фаолияти йил сайин кенгайиб бормоқда. 2009 йил давомида банк томонидан 35 мингдан зиёд юридик ва 120 минг нафарга яқин жисмоний шахсга хизмат кўрсатилгани, кредит портфели 152,6 миллиард сўмга етгани бунинг тасдиғидир. Қолаверса, ўтган йил якунларига кўра, банк устав капиталли 19,5 миллиард сўми ташкил этгани, жамланма капиталли 36,7 миллиард сўмга етиб, мазкур кўрсаткич аввалги йилдагига нисбатан 46 фоизга ортгани, банк активлари ҳажми бўйича эса 35 фоиз ўсишга эришилгани ҳам диққатга сазовордир.

Бундан ташқари, "Ҳамкорбанк" кейинги йилларда Жаҳон банки, Осий тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси ва бошқа кўплаб молия муассасалари, корпорация ҳамда компаниялар билан ҳамкорлик ўрнатиб, самарали фаолият юритиб келмоқда. Хусусан, молия муассасасининг 2009 йилги фаолияти дунёнинг нуфузли ташкилотларидан бири — "Fitch Rating" халқаро рейтинг компанияси томонидан юқори баҳоланиб, унинг узоқ мuddатли "В" — ҳамда қисқа мuddатли "В" рейтинглари даражаси қайта тасдиқлангани шундан далолат беради.

Ийгиликда, шунингдек, банкнинг келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишлари тасдиқланиб, қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Дилшод УЛУҒМУРОВОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон почтаси ОАЖ. ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР ҲАМДА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА! «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятида «Интернет-магазин» сайти ташкил этилди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотингиз ва товарларингизни Ўзбекистон худудида тез сотиш ва етказиб бериш истагидан бўлсангиз, бизга мурожаат қилинг. Ҳамкорлик учун миннатдоримиз!

ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН САНЪАТ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ. 2010 — 2011 ўқув йилига 2003 йилда туғилган иқтидорли ўғил ва қиз болаларни ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА МУСИҚА БЎЛИМЛАРИГА танлов асосида ўқишга қабул қилади. Қолган синфларнинг бўш ўринларига мутахассислиги бўйича тайёргарчили ва қобилияти бор бўлган ўқувчиларни танлов асосида қабул қилади. Дризалар 2010 йил 1 майдан 31 майгача қабул қилинади. Кабул имтиҳонлари 1 июндан бошланади. Манзилимиз: 100152, Тошкент ш., Учтепа тумани, 22-даха, 1-«А» уй. Автобуслар: 2, 8, 33, 41, 77, 87, 113, 141, 135. Йўналиш тақси: 14, 15, 21, 182. Телефонлар: 274-92-21, 274-96-45, 274-96-44.

NEW HOLLAND FIAT GROUP. B 115 TS 6070 130 л.с. NEW HOLLAND CONSTRUCTION TEL.: 120-60-97, 120-74-50. NEW HOLLAND AGRICULTURE

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "O'zbekiston" телерадиоканали ДУК жамоаси Маданий-маърифий ва бадий-дам олиш дастурлари бош муҳарририяти бош режиссёри Расул Мамаризаевага онаси АЗИЗА аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради. Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Маънавий-ахлоқий ишлар бўйича проректор Жумали Шабановга падари бузруквори КОЗИМ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

ТОШКЕНТ ЧЕМПИОНЛАРНИ КАШФ ҚИЛМОҚДА

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида оғир атлетика бўйича йигирма ёшга бўлган ёшлар ва кизлар ўртасида Осие чемпионати бошланди.


Муҳими, юртдошларимиз бир кун олдин ўсимирлар ўртасида яқунланган чемпионатдаги сингари асосий совринли ўринларга даъвогарлик қилишмоқда.

Фикримизни мазкур нуфузли мусобақада қизларимиз муваффақиятли иштирок этаётгани тасдиқлаб турибди. Жумладан, кеча 53 килограммгача бўлган вазн тоифасидаги спортчилар ўртасида Ватанистон шарафини ҳимоя қилган кашқадарёлик Бибиёйша Бўриева унча бронза медалини қўлга киритди. У даст кўтаришда 59 килограмм, силтаб кўтаришда 75 килограмм натижага қайди. Умумий яқун эса 134 килограммни ташкил қилди. Ун беш ёшли Б. Бўриева Қамашни туманидаги 71-мактабнинг 8-синфиди ўқийди. Хамюртимиз ўн икки ёшдан бошлаб оғир атлетика билан шуғулланади.

Биринчи устози — отаси, спорт устаси Тоҳир Пармонов. Ўзбекистон терма жамоаси сафида эса таниқли мутахассис Валентин Манушев қўли остида машғулотларда қатнашади.

— Қизим бу каби йирик халқроқ мусобақада илк бор қатнашмоқда, — дейди отаси Тоҳир Пармонов. — Яқиндан Чирчиқ Олимпия заҳиралари коллежиди ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида олтин медалга сазовор бўлганди. Бу сафар биринчиликдаги кўрсаткичини йигирма бир килограммга кўпайтиришга эришди. Эртага туманимиздаги оғир атлетика тўғрисида шуғулланаётган Дилафруз Қандахорова (+75 кг.) ҳам мусобақадаги иштирокини бошлайди. Насиб этса, ушбу шогирдим ҳам яхши натижага эришади.

53 килограммгача вазндаги кизлар ўртасидаги биринчи-



лиқда олтин медаллар Хитой, кумуш медаллар эса Хитой Тайпейи терма жамоаси аъзоларига насиб этди. Яна бир вақилимиз Маҳлиё Тогаева (48 кг.) ҳам совринли ўринлардан жой олиши мумкин эди. Аммо у силтаб кўтариш баҳсларида қутилган натижага

эриша олмади. Ушбу вазнда кучли ўқликни Хитой, Қозғистон ва Ҳиндистон терма жамоалари оғир атлетикачилари эгаллашди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

ИМКОНИЯТ САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

Футбол бўйича Осие чемпионлар лигаси гуруҳ босқичида бешинчи тур учрашувлари бошланди.

Кеча "С" гуруҳида қатнашган "Пахтакор" жамоаси ўз майдонида Бирлашган Араб Амирликларининг "Ал-Айн" клубини қабул қилиб, 3:2 ҳисобида ғалаба қозонди ва кейинги босқичга чиқиш имкониятини сақлаб қолди.

Учрашув олдидан "Пахтакор" бош мураббийи Миодраг Радловић таркибиди иккита муҳим ўзгариш қилди. Биринчиси, Александр Гейрихс ўйин бошидан майдонга туширилди. Шунингдек, асосий дарвозабон Темур Жўраев жароҳат олганлиги сабабли унинг ўрнида Элдор Тожибоев ҳаракат қилди.

Майдонда иккита жамоа аъзолари ҳам ҳужумкор футбол намойиш этишга интилишди. Натижада урашувнинг иккинчи дақиқасида меҳмонларнинг чилик легионери Хорхе Валдивиянинг жаримадан тепган кучли зарбасидан сўнг ҳисоб очилди — 0:1.

Аммо шу кун "Пахтакор" сардори Одил Аҳмедов ўзининг ҳақиқий етакчи эканлигини кўрсатди. Юртдошимиз уч бор рақиблар дарвозасига тўп киритишга муваффақ бўлди. Яна бир тўп Илхом Суёнов (автогол) ҳисобига ёзилди. Гуруҳдаги "Сепсахон" (Эрон) — "Ал-Шабаб" (Саудия Арабистони) учрашуви 1:0 ҳисобида яқунланди. Ҳозирча "Пахтакор" 9 очко билан гуруҳда пешқадам бўлиб турибди. "Сепсахон" 8 очко билан иккинчи, "Ал-Шабаб" 7 очко билан учинчи ўринни эгаллаган.

Вақилларимиз кейинги учрашуви 27 апрел кун сафарда Саудия Арабистонининг "Ал-Шабаб" жамоасига қарши ўтказилади.

ҚАДРИЯТЛАР ҚАДР ТОПГАН ЮРТ

Хабарингиз бор, жорий йилда "Фонд форум" ва ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Асрлар садоси" маданият фестивалига Хоразм вилояти мезбонлик қилади.

Ушбу санъат байрами 8-9 май кунлари ўтказилиши кўзда тутилган. Айни пайтда фестиваль доирасидаги тадбирларни юксак савияда ташкил этишга қизгин ҳозирлик қўрилаётган. Бу ҳақда жамғарма масъул ходими Д. Дўлтаева қўйидагиларни гапириб берди.

— "Асрлар садоси" фестивалига ҳар йили юртимизнинг турли вилоятларидан санъат илҳосмандлари, олим ва мутахассислар, хорижлик меҳмонлар таклиф этилади, — дейди у. — Илк бор фестиваль 2008 йили Китеб туманида бўлиб ўтган эди. Утган йили эса мазкур маданият тадбир Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги

рўйхатига киритилган. Ушбу мажмуа ҳудудда жаҳон маданиятига дахлдор 54 та тарихий-меъморий обиди, 351 шахсий хонадон мавжуд. Умумий майдони 26 гектардан иборат музей-қўриқхона таркибиди 15 та доимий экспозицияда Хоразм тарихининг ниҳоятда қадимийлигини исботловчи қўллаб ашёларни учратиш мумкин.

Анъанавий "Асрлар садоси" фестивалини ана шу қўҳна ва гўзал гўшада ўтказишдан мақсад ҳам халқимизнинг умрбўйи анъана ва удувларини, мусиқа, рақс, эди, ўтган йили эса мазкур маданият тадбир Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги



лан ёшларимиз ва фестивал меҳмонларини кенг таништиришдан иборатдир. Тадбирнинг юксак савияда ташкил этилиши, ҳақиқий байрам сифатида ўтиши учун барча шарт шарт қилинаётган. Фестиваль доирасида фольклор ансамбллари чикишлари, концерт ва шоу дастурлар, миллий либослар кўргазмаси, амалий санъат кўргазма-ярмаркаси, миллий пазандалик анъаналари намойиши, миллий спорт ўйинлари, халқ сайиллари ташкил этилади.

Тадбир ташкил қилинган концерт дастури билан яқунлини кўзда тутилган. Унда фольклор маъмурлари билан бир қаторда, мамлакатимиз санъат усталари, ёш ижроичилар қатнашади. Фестивалнинг кўргазма ва танловлар қўлиблари деб топилган иштирокчилари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

"Халқ сўзи" мухбири Омонулла ФАЙЗИЕВ эътибор.

ИСТЕЪДОДГА ҚАНОТ, ҲАВАСКОРГА МАДАД

«Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг шиори ана шу эзгу мақсадга қаратилган.

Бугун мамлакатимизда ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, айниқса, уларни спортга жалб этиш, турли мусобақалар орқали ёшлар ўртасида соғлом муҳитни қарор топтириш устувор вазифага айланади. Халқ таълими вазирилик тасарруфиди «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳам ёшларни оммавий спортга жалб этишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Шу йилнинг 10 март кун Оқсаройда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Ҳомийлик кенгаши йиғилишида Президентимиз юртимиздаги спорт иншоотларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш хусусида тўғталиб, бу борада эътибор қаратилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб берди. Айни пайтда ушбу кўрсатмалар асосида «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти жамғарма маблағлари асосида қурилган ва қайта таъмирланган мажмуаларга шуғулланувчиларни жалб этиш, улар ўртасида мусобақалар ўтказиб орқали спортнинг оммавийлигини таъминлашга асосий эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг 4 миллион 911 минг 770 нафари мазкур жамиятга аъзо. Йил давомида ана шу ўқувчи-ёшлар ўртасида ўттиздан ортиқ спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилади.

2008 йилда Пекинда ташкил этилган Олимпиада ўйинларида иштирок этган 58 нафар спортчининг 11 нафари ҳам жамиятимиз аъзосидир. Эркин кураш бўйича икки қарра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров, спорт гимнастикаси бўйича Олимпиада ўйинлари совриндори Антон Фокиннинг жамиятимиз аъзоси эканлигини фахрланамиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда аёллар спортини ривожлантириш масаласида алоҳида эътибор қара-

тилмоқда. Хусусан, олимпиячилар ҳам кизларнинг бадий гимнастика билан шуғулланиши учун барча имконият яратиб берилмоқда. Улар таълим-тарбиясига таърибли мураббийларни жалб этиш, малакасини оширишга алоҳида аҳамият қаратилади. 2008 йилда жамиятга аъзо бўлган гимнастикачилар сони 6737 нафарни ташкил этган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич 9970 нафарга етди. Айни пайтда мажмуаларда шуғулланаётган ёшлар билан номдор спортчилар учрашувларини ташкил этиш орқали спортга ҳавасманд ўғил-қизлар сафини янада кенгайтириш асосий мақсадларимиздан биридир.

Жорий йилга Президентимиз томонидан "Баркамол авлод йили" деб ном берилиши жамиятимиз фаолиятида ҳам ўзига хос бурилиш ясаши, табиий. Зеро, баркамолликка эришишда спортнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Шу боис Давлат дастурида белгиланган жисмоний тарбия ва спортга дахлдор барча йўналишлар бўйича режа ишлаб чиқилди ва унинг ижроси юзасидан жамиятнинг минтақавий кенгашларига кўрсатмалар берилди.

Юқориди айтилганидек, жамиятга аъзо спортчилар орасида ўнлаб Осие ва жаҳон чемпионлари, Олимпиада ўйинларининг голиб ҳамда совриндорлари бор. Истикболда улар сафини кенгайтириш баробарида, баркамол авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшиш жамиятнинг муҳим вазифасидир.

Фозилдин САТТОРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

2010 — 2011 ўқув йилида умумтаълим мактаблари учун чоп этилган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни жойларга етказиб бериш бўйича тендер савдолари ўтказилишини эълон қилади.

Тендер савдолари очик турда ўтказилади. Унда Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган, маҳсулотларни тез ва сифатли етказиб бериш имкониятига эга, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

- Тендер савдоларида қуйидаги юридик шахслар қатнаша олмайдилар:
- қайта ташкил этилиши, тугатилиши ёки банкротлик ҳолатида бўлганлар;
 - белгиланган муддат ичида тендер олдиди саралаш босқичи (предквалификационий отбор) учун барча талаб қилинган ҳужжатларни тўлиқ тақдим этмаганлар;
 - илгари тузилган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз вақтида бажармаганлар ёки бажармай келаётганлар;
 - тендер савдолари эълон қилинган кунга қадар ташкил этилганга 6 ой бўлмаганлар;
 - айна вақтда суд ёки арбитраж жараёнига жалб этилганлар.

Тендер савдоларининг ўтказилиш жараёни ва тартиби ҳақида қўшимча маълумот олиш учун тендер комиссиясининг ишчи органи — Халқ таълими вазириликнинг дарсликлар ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш бўлимига эълон чиққан кундан бошлаб (шанба ва яқшанба кунларидан ташқари) ҳар кун соат 10.00 дан 17.00 га қадар мурожаат қилишлари мумкин:

100078, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 3-қават, 319-хона. Телефонлар: (+99871) 239-14-01, 239-40-83, факс: (+99871) 239-40-81.

Тендер савдоларида иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар Халқ таълими вазириликнинг қуйидаги махсус ҳисоб рақамига 5 000 000 (беш миллион) сўм миқдориди пул ўтказиш йўли билан, қайта қопланмайдиган комиссиян тўловини амалга оширган, тендер ҳужжатлари пакетини олишлари мумкин.

Халқ таълими вазириликнинг банкдаги реқвизитлари: Ҳ/р 20233000100101044002, АТ «Ипотекабанк» и, Меҳнат бўлими, Тошкент шаҳри, МФО: 00423, ИНН: 201122808, ОКОНХ: 97300.

Барча тендер таклифлари тендер таклифи суммасининг 3 (уч) фоиз миқдориди бўнақ суммаси бириктирилган бўлиши керак. Бўнақ суммаси бириктирилмаган тендер таклифлари тендер комиссияси томонидан қўриб чиқилмайди. Бўнақ суммалари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазириликнинг юқориди кўрсатиб ўтилган махсус ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим.

Тендер ҳужжатлари асосида талаб этилган барча ҳужжатлар 2010 йилнинг 14 май кун соат 14.00 га қадар юқориди келтирилган манзилга топширилиши шарт. Тендер таклифлари 2010 йил 14 май кун соат 15.00 да Республика таълим марказида (манзил: Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 174-уй) барча қатнашчилар вақиллари иштирокида очилади.

Тендер савдолари ташкилотчилари тендер таклифларини ишлаб чиқиш ёки тендер савдоларида иштирок этиш билан боғлиқ бўлган харажатларни ўз зиммасига олмайди.

Хушхабар

Бельгиянинг Гент шаҳрида батутда сакраш бўйича жаҳон кубогининг биринчи босқичи яқунланди.

Жаҳон кубогиди муваффақият

Дастурдаги яқаллик баҳсларида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Пекин Олимпиадаси бронза медали совриндори Екатерина Хилько энг яхши натижага эришиб, олтин медал билан тақдирланди. Аҳамиятисини, хамюртимиз ушбу баҳсда россиялик Олимпиада чемпиони Ирина Караваевани катта фарқ билан ортда қолдирди. Учунчи ўрин чехиялик Зита Фридриховога насиб этди.

У. ҲАКИМЖОНОВ.

MDIS Tashkent
Management Development Institute of Singapore

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ СИНГАПУР МЕНЕЖМЕНТИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИНСТИТУТИ

2010/2011 ўқув йили учун АБИТУРИЕНТЛАРНИ «ОЧИК ЭШИКЛАР КУНИ»ГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

17 - 18 АПРЕЛЬ
10:00 - 17:00

Магистратура

- Менежмент: Маркетинг
- Менежмент: Банк иши ва молия

Бакалавр

- Саноат менежменти
- Туризм
- Бизнес ва маркетинг
- Банк иши ва молия
- Ахборот технологиялари
- Тадбиркорлик ва бошқарув

Инглиз тили тайёрлов курслари

- Қўп босқичли инглиз тили
- Академик инглиз тили IELTS тизими бўйича
- Интенсив инглиз тили

Смадли келажакка биз билан эришинг!

Тошкент шаҳри, Сингапур менежментини ривожлантириш институти 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шўқўчаси, 28.
Тел.: 271-77-00, 271-77-01

ҲИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

ОБ-ҲАВО
(14 апрель)

Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиши мумкин. Тунда 6-11 даража илк, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик бўлиш эҳтимоли бор. Ҳарорат кечаси 8-13 даража илк, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, кечки пайт ёмғир ёғиши мумкин. Тунда 8-13 даража илк, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлиши мумкин. Ҳарорат кечаси 8-13 даража илк, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ёмғир ёғиш эҳтимоли бор. Тунда 10-15 даража илк, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради. Ёгингарчилик бўлмайди. Тунда 8-13 даража илк, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво булутли бўлади, ёгингарчилик қузалимайди. Ҳарорат тунда 11-13 даража илк, кундузи 26-28 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 303. 53486 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 20.45
Тошпирилди — 22.30

1 2 3 5

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.